

IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2018 йил январь-июн ойларида вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 1612.6 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилиб, шундан хорижий инвестиция ва кредитлар 290.8 млрд. сўмни ташкил этди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ЯҲМга нисбати 18.4 фоизни ташкил қилиб, 2017 йил январь- июнга нисбатан 3,6 фоизга ошди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (2018 йил январь-июн)

	млрд.сўм	ўсиш суръати, фоизда	яқунга нисбатан фоизда
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1612.6	118.4	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	154,2	133,8	9,6
бюджет маблағлари	51,1		3,2
давлат мақсадли фонд маблағлари	76,6	129,8	4,8
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	26,5	10,6м	1,6
Марказлашмаган инвестициялар	1458,4	117,5	90,4
корхоналарнинг ўз маблағлари	401,0	83,7	24,9
аҳоли маблағлари	421,5	109,3	26,1
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	264,3	449,1	16,4
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	371,6	130,6	23,0

Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Андижон вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.


Асосий капиталга киритилган инвестициялар

	Жами		шу жумладан қурилиш-монтаж ишлари	
	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоизда	млрд. сўм	жамига нисбатан улуши, фоизда
Вилоят бўйича:	1612,6	118,4	908,1	100,0
шаҳарлар:				
Андижон	658,1	174,8	354,0	39,0
Хонобод	10,6	53,5	6,9	0,8
туманлар:				
Андижон	76,8	90,6	53,9	5,9
Асака	78,9	96,4	44,7	4,9
Балиқчи	51,0	173,4	20,5	2,3
Бўз	16,6	109,1	9,5	1,0
Булоқбоши	32,6	84,7	21,6	2,4
Жалақудук	39,5	59,1	33,2	3,7
Избоскан	173,2	366,2	49,2	5,4
Улуғнор	11,9	109,1	10,9	1,2
Мархамат	51,4	101,8	35,5	3,9
Олтинқўл	94,0	55,3	70,5	7,8
Пахтаобод	47,6	156,8	40,2	4,4
Хўжаобод	98,8	139,0	48,6	5,4
Шахрихон	98,1	136,0	53,1	5,8
Қўрғонтепа	73,5	29,3	55,8	6,1
Бўлинмайдиган хажмлар	-	-	-	-

Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари
(фоиз ҳисобида)

2017 йил январь-июн


2018 йил январь-июн



2018 йил январь-июнда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби

	жами	шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:	
		давлат	нодавлат
Жами, млрд. сўм	1612,6	195,6	1417,0
<i>шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида</i>			
қурилиш-монтаж ишлари	56,3	82,8	52,7
<i>машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариши ва хўжалик жиҳозлар</i>	40,1	10,5	44,2
Бошқа ҳаражатлар	3,6	6,7	3,1

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича юқори улушга эга бўлганлар уй-жой қурилиши – 31,6 фоиз, ишлаб чиқарадиган саноатда 31,1 фоиз, бошқа фаолият турлари 20,1 фоизни ташкил этди. Ўтган йилнинг тегишли даврига ишлаб чиқарадиган саноатнинг улуши жамига нисбатан 14,8 фоиз, уй-жой қурилиши 1,3 фоизга ошган, бошқа фаолият турлари улуши 2,6 фоизга камайган.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар.


2018 йил январь–июнда асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажми 290,8 млрд. сўми ёки ўсиш суръати 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 329,7 фоизни ташкил қилди.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг таркиби (2018 йилнинг январ–июнида)

	млрд. сўм	умумий ҳажмга нисбатан фоизда	
		давлат кафолати остида	тўғридан-тўғри ва бошқалар
Жами асосий капиталга киритилган хорижий инвестиция ва кредитлар	290,8	26,5	264,3
<i>шу жумладан:</i>			
давлат	-	-	-
нодавлат	290,8	26,5	264,3

Ҳисобот даврида Андижон вилояти бўйича нодавлат секторга киритилган хорижий инвестиция ва кредитларнинг, жами хорижий инвестиция ва кредитлардаги улуши 18,0 фоизни ташкил қилди.

Хорижий инвестиция ва кредитларнинг алоҳида иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (умумий ҳажмга нисбатан, фоизда)



Хорижий инвестиция ва кредитларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича салмоқли қисмининг ўзлаштирилиши текстил маҳсулотларини ишлаб чиқаришга

тўғри келиб, жами инвестиция хажмида – 15,4 фоизни ташкил қилди ва 2017 йилнинг январь–июнига нисбатан 4,8 мартага ошди. 2018 йилда киритилган хорижий инвестицияларнинг катта улуши алоқа, ишлаб чиқариш ва транспорт соҳасига тўғри келди, яъни хорижий инвестиция ва кредитларнинг 18,0 фоизи ушбу соҳаларга киритилди ҳамда ўсиш суръати аввалги йилга нисбатан 3,2 мартага ошди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2018 йил январь-мартда умумий майдони 340,3 минг кв.м. бўлган 3096 та уй-жой, шу жумладан қишлоқ жойларида 220,7 минг кв.м. майдонга эга бўлган 2147 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар хажмидан 510,1 млрд.сўми ёки 31,6 фоизи турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 16,3 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 37,0 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 2,2 фоизини ташкил қилади.

Мазкур даврда соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 36,4 млрд.сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 82,7 фоизини ташкил қилади

Коммунал қурилиш соҳасида 12,1 км узунликдаги ичимлик суви, 1,5 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2017 йил январь-мартга нисбатан мос равишда 91,6 фоиз ва 25,4 фоизни ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 106,4 млн.сўм, миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2018 йил январь-июн ойларида 1084,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 105,2 фоизга бажарилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 79,3 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 5,5 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 15,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 74,2 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

Қурилиш ишлари


	Жами, млрд. сўм	Ўсиш суръати, фоизда	шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича, жамига нисбатан фоизда		
			давлат	нодавлат	шундан хусусий
Вилоят бўйича:	1084.0	105.2	1.8	98,2	87.8
шаҳарлар:					
Андижон	435.6	108.3	1.4	98.6	77.2
Хонобод	15.4	92.6	0,0	100,0	100,0
туманлар:					
Андижон	95.9	109.8	0,4	99,6	99.4
Асака	42.1	89.9	1.0	99.0	97.0
Балиқчи	25.4	106.3	1.7	98.7	99.6
Бўз	33.0	103.8	1.3	98.7	99.6
Булоқбоши	14,4	130.3	2,9	97.1	98.7
Жалакудук	27.6	75.0	17.7	82.3	95.9
Избоскан	61.6	131.7	0.7	99.3	99.7
Улуғнор	13.1	86.6	28.5	71.5	96.2
Мархамат	43.7	106.5	1.0	99.0	76.2
Олтинкўл	72.2	91.5	0.6	99.4	97.7
Пахтаобод	38.3	110.0	1.1	98.9	94.8
Хўжаобод	31.5	100.1	1.3	98.7	71.7
Шахрихон	104.9	105.8	0.4	99.6	99.8
Қўрғонтепа	29.3	111.1	1.4	98.6	86.4

Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1064.4 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 98,2 фоизни (2017 йил январь-июнга нисбатан ўсиш суръати 108.5 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимооти
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2017 йил январь-июн

2018 йил январь-июн



- Давлат мулки
- Фуқаролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари ҳажмида юқори улуш хўжалик бирлашмалари мулки 59.9 фоиз (ўтган йилнинг тегишли даврида 56.8 фоиз), фуқаролар хусусий мулки 37.7 фоиз (ўтган йилнинг тегишли даврида 38.0 фоиз)ни ташкил этди.